

А Ж Р И М

/ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида/

2025 йил 4 февраль куни жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди ўз биносида очик суд мажлисида ва Когон шаҳар Зиёкор маҳалласида сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Я.Ниёзов, судья ёрдамчиси Р.Мерзаевнинг котиблигида, томонлардан Когон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Ш.Рахимов, жабрланувчи Н.Тўраева, судланувчи С.Ғиёсов ва унинг ҳимоячиси - адвокат Г.Эгамованинг иштирокида,

Ғиёсов Собир Сайфитдинович /G'iyosov Sobir Sayfitdinovich/ - 1984 йил 20 октябрь куни Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнатфаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Гулбоғ маҳалласи, Олмазор кўчасида истиқомат қилади, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 24 декабрда олганга

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан № 1-2003-2501/21-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

С.Ғиёсов 2024 йил 31 октябрь куни соат 20-00 ларда таниши Н.Тўраева билан олдиндан мавжуд бўлган турли келишмовчиликлар оқибатида Когон шаҳар, А.Навоий маҳалласи, М.Таробий кўчаси 4-уйнинг ётоқхонасида жанжаллашиб, жанжал вақтида Н.Тўраева танасининг турли соҳаларига қасддан қўлларини мушт қилган ҳолда уриб, Республика суд тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиали Когон пунктнинг 2024 йил 13 ноябрь кунидаги 756-сонли экспертиза хулосасига кўра, жабрланувчига чап 7 ва 8 қовурғаларнинг синиб силжиши, бош мия чайқалиши каби ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Судда сўроқ қилинган судланувчи С.Ғиёсов айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2024 йил 31 октябрь куни соат 20-00 ларда таниши Н.Тўраева билан унинг уйида жанжаллашиб, жанжал вақтида уни уриб, тан жароҳати етказганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймон бўлиб, жабрланувчи Н.Тўраевага етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, у билан ихтиёрий ярашганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганликларини инобатга олиб, ўзига нисбатан жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатишни сўраб, бу ҳақидаги ёзма аризасини тақдим қилди.

Судда жабрланувчи Н.Тўраева 2024 йил 31 октябрь куни соат 20-00 ларда таниши С.Ғиёсов билан уйида жанжаллашганлигини, жанжал вақтида С.Ғиёсов уни уриб, тан жароҳати етказганлигини, ҳозир барча



етказилган зарар С.Ғиёсов томонидан тўлиқ қоплаб берилганлигини, қилмишидан пушаймон бўлиб, ундан кечирим сўраганлигини, шу сабабли судланувчи С.Ғиёсовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, С.Ғиёсов билан у ихтиёрий ярашганлиги инobatга олиб, жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноят иши иш юритувидан тугатишни сўраб, бу ҳақида ёзма ариза тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ушбу Кодекс 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинoий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 5-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда, бу масала суд мажлисида дарҳол ҳал этилиши лозимлиги қайд этилган.

Юқоридагиларга мувофиқ, суд, томонларнинг фикрини эшитиб, иш материалларини таҳлил қилиб, С.Ғиёсовга оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганликлари муносабати билан жиноят ишини иш юритувидан тугатиш лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 583, 585-586-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан судланувчи С.Ғиёсов ҳамда жабрланувчи Н.Тўраеванинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан Ғиёсов Собир Сайфитдинович /G'iyosov Sobir Sayfitdinovich/ жинoий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ғиёсов Собир Сайфитдинович /G'iyosov Sobir Sayfitdinovich/га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши иш юритувидан тугатилсин.

С.Ғиёсовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Н.Тўраевага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажримдан норози томон ажрим чиқарилган кундан эътиборан ушбу суд орқали 10 кунлик муддат ичида Бухоро вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида хусусий шикоят, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

/имзо/

Я.К. Ниёзов

Аслига тўғри

